



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
бу юк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 20 декабрь, № 247 (4146)

Чоршанба

МЕҲНАТ ҚИЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ва шу орқали уларнинг моддий фаровонлигини ошириш борасида кенг қўламдаги вазифалар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг "Йирик sanoat korxonalari bilan kasanachilikni rivojlantirish asosida ishlab chiqarish va xizmatlar urtasida kooperatsiyani kuchaytirishni rag'batlantirish chora-tadbirlari tuzgirisida"gi Farmoni muhim ahamiyat kasb etmoqda.

«Косонсой ип-йигирув-нотўқима» масъулияти чекланган жамиятида hozirda 315 nafar ishchi-hizmatchi mehnat qiladi. Ularning 115 nafari kasanachilik bilan shugullanib, ruzgoriga baraka kirittmoqda.

Ta'kidlash joizki, jamiyat tomonidan joriy yil boshidan buyin 470 ming pogon metr notuqima maxsulotlar ishlab chiqarilib, ular Andijon, Buxoro, Farqona va boshqa viloyatlardagi sanoat korxonalariga etkazib berildi.

Albatta, ishlab chiqarishda sifat va samaradorlikka katta ehtiyoj qaratilayotgani korxonada iqtisodiyotni yuksaltirmoqda. Bu, uz navbatida, ishchi-hizmatchilar turmush farovonligining oshishiga xizmat qilayotir.

СУРАТДА: ип йигирувчи Шоҳида Мирзаева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Банк тизимининг барқарор ривожланишини, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни, уларнинг инвестиция ва иқтисодий таркибий ўзгаришлари жараёнида фаол иштирок этишларини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ тортиш базаси бирлаштириш ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Маъмур бандда назар-

да тутилган имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январига қадар тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб

чиқсин ва тасдиқласин.

3. Тижорат банкларида аҳолининг бўш маблағларини, тадбиркорлик субъектларини, институционал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларни тижорат банкларнинг акциядорлик капиталига жалб этиш борасидаги фаолиятни кучайтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган

ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив ҳужжатлари мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.Муллажонов зиммаларига юксалсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 декабрь.

Ўқув марказлари — замон талаби

Жамият тараққиётининг ҳозирги bosqichida texnika va texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ayniqsa, axborot texnologiyalari va telekommunikatsiya sohasida uzgariشلar tez sur'atlar bilan kechmoqda. Bu jarayonda yangiliklarning joriy etishi va ular bilan samarali foydalanish uchun kompaniya va firmalarning tegishli o'quv markazlarini alohida urun tutadi. Oliy o'quv yurtini bitirib chiqqan bakalavrlarni ishlab chiqarish jarayonlariga tayyorlash zarurati, ayniqsa, bunday markazlarni tashkil etishni dolzarb masalaga aylantirmoqda.

Mustaqillik yulga kirib, kirib turganidan sun'g mamlakatimiz aloqa sohasida Markaziy Osiyoda birinchi telekommunikatsiya o'quv markazi tashkil etildi. Uning negizida mazzur soxa mutaxassislarini malakasini oshirish boslandi.

Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш Миллий дастурининг қабул қилиниши хорижий усқуна ишлаб чиқарувчилар

иштирокида соҳани модернизациялаш ишларини жалдлаштиришда муҳим омил бўлди. Йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Natijada montaj qilingan «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси АТС ларининг ҳажми 1,98 миллион номердан ошди. Шундан 70 фоизи рақамли бўлиб, шу мақсадда 9 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари ётқизилди. Қорақалпоғистон Республи-

каси ва барча viloyat markazlarida avtomatlashtirilgan xalqaro telefon stantsiyalari raqamli tizimlarga almastirildi, ular yuqori tezlikka ega bulgan raqamli aloqa kanallari bilan ta'minlandi. Xalqaro axborot tarmonlariga tezkor ulanish imkoniyati ham oshdi.

Shu bois tarmonda urnatilgan zamonaviy uskunalar bilan foydalanish buyicha mutaxassislar tayyorlash va ularning malakasini

oshirish dolzarb masalaga aylandi, xoriжий firma va kompaniyalar ishtirokida o'quv markazlarini tashkil etish zarurati tugildi.

1998 йил апрелида Япониянинг «NEC» корпорацияси, Тошкент ахборот технологиялари университети ва «Ўзбектелеком» АК иштирокида рақамли коммуникация тизимлари, оптик узатиш тизимлари ва радиоредакция линиялари мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилди.

2005 йилда Хитойнинг «HUAWEI» компанияси гранти бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ)да рақамли ком-

(Давоми 2-бетда).

Оқсоқоллар ҳам ўқийди

Шу кунларда Наманганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари)нинг ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

Маълумки, жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятида маҳаллий бошқарув идораларининг таъкилотчилик роли катта. Бу эса кўпроқ маъмур тизим етакчилари бўлган оқсоқолларнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори, ишдаги ташаббускорлигига боғлиқ. Шунини айтиш керакки, бугун viloyatда фаолият кўрсатяётган 99 та кishлок, 12 та шаҳарча ва 745 kishлок фуқаролар йиғинлари раисларининг ақсарияти кўпни кўрган, билимдон, кўпчилик билан тиллаша олиш қобилиятига эга кишилардир. Бироқ бугун шундай билан олға боряётган замон билим ва малакани муттасил ошириб боришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда ташкил этилаётган худудий ўқув-семинарларда энг яхши йиғинлар тажрибаси ўрганилиб, уларда маҳалла институтини инфузунини янада ошириш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинмоқда.

Дастлабки шундай тадбир Наманган шаҳри, Чўст ва Янгиқўрган туманларида ўтказилди. Уларнинг иштирокчилари оқсоқолнинг кун тартибидан мустақим ўрин олиши лозим бўлган асосий вазифалари, хусусан, халқимиз онгига мустақилликнинг маънавий асослари, миллий қадрият ва анъаналаримизни чуқурроқ сингадириш, ёш авлод қалбига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини тарбиялаш борасида тарбиянинг самарали усулларидан фойдаланиш тўғрисида узаро фикр алмашди.

Ўқув-семинарлар сўнггида «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор шаниовлари голиблари», шунингдек, болалар спортини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш мураббийлари эсдалик савгалари топширилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш хақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 26 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 472-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 3-модданинг олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси мазкур аппарат ходимларининг чекланган сони билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек унинг Қорақалпоғистон Республикаси, viloyatлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари аппаратининг, ихтисослаштирилган божхона комплекслари, божхона комплекслари ва постларининг намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

2) 8-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисба-

тан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Божхона органларининг интизомий устави билан белгиланади»;

3) 10-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона органларининг мансабдор шахсларига улар эгаллаб турган лавозимларга ҳамда неча йил ишлаганликларига қараб, қуйидаги махсус унвонлар берилади:

кичик таркиб — божхона хизматининг кичик сержанти, божхона хизматининг сержанти, божхона хизматининг катта сержанти;

ўрта бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг лейтенанти, божхона хизматининг катта лейтенанти, божхона хизматининг капитани;

катта бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг майори, божхона хизматининг подполковниги, божхона хизматининг полковниги;

олий бошлиқлар таркиби — божхона хизматининг генерал-майори, божхона хизматининг генерал-лейтенанти, божхона хизматининг генерал-полковниги.

Махсус унвонлар бериш ва улардан маъмур этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 декабрь
№ УРҚ — 71

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. У Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ижросига бағишланди.



ФАРМОН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlari, партия фаоллари, tegishli vazirlik va idoralar, jamoat tashkilotlari va huquqni muhofaza qilish organlari vakillari, ekspertlar ishtirok etdi. Uni fraksiya rahbari D. Toshmuhamedova bosqardi.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномованинг ахбороти тингланди.

Президентимизнинг ушбу Фармони ижросини таъминлаш борасида Хотин-қизлар қўмитаси томонидан сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги фаол иштирокини таъ-

минлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Хотин-қизларни касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида қўмита «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки билан амалий ҳамкорлик ўрнатган. Аёлларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш мақсадида улар ўртасида кенг қўламли маърифий тадбирлар уюштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ўтган вақт мобайнида 7 минг 600 дан зиёд маҳаллада ўтказилган турли тадбирларда 250 мингдан ортиқ хотин-қизлар қатнашди. Аёлларни спорт ва жисмоний тарбияга жалб этиш кўрсаткичла-

ри ҳам муттасил ошмоқда.

Йиғилишда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда сиёсий партиялар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутishi қайд этилди. Жумладан, жорий йилнинг октябр ойида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро хуқуқ нормаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигида имплементация қилинишига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинар ана шундай амалий тадбирлардан бири бўлди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎА мухбири.**

Дунё нигоҳи

**Муҳаммад БЕЛЛАЖИ,
Тунис Тошқи ишлар вазирлигининг махсус вакили:**

— Ўзбекистонга иккинчи марта келишим. Илк бор ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида имом Термизий юбилейига бағишланган конференцияда қатнашиш учун «Ал-Хуррият» газетаси бош муҳаррири сифатида таширф бурюрдим. Ушунда, охири, мамлакатингиз mening kuzime qandaydir narsiz kuringand. Shundan buyin 15 yildan zind vaqt utdi. Bu ishlar mobaynida Ўзбекистонда қайта тузилган тарихий обидалардан ташқари жуда кўплаб қуркам иморатлар, маъмурий бинолар, ҳашаматли меҳмонхоналар, кенг кўчалар ва йўللар бунёд этилди. Мамлакат мутлақо ўзгача қиёфа касб этди, янада гўзал ва замонавий тус олди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси республика раҳбарияти ва халқи ғайрат-шижоати ҳисобига эришилди. Энг муҳими, бу ерда давлатнинг барраж гуллаб-яшнаши омилли — тиinchlik, osoyishtalik va bунёдкорлик ҳукм сурмоқда.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши мустақил тараққиёт йўлида эришадиган ютуқларимизнинг кўзгуси, эркин ва озод халқ сифатидаги юксалишимизнинг яна бир муҳим белгиси, десак асло муболага бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ.


Муҳрли воқеа

Бой тарихимиз бор бўйи билан янги энциклопедиямизга нури саҳифалар бўлиб кирди. Бундай чеклашлар фақат сиёсий-ижтимоий соҳаларда бўлган, деб ўйловчилар учун генетик олим сифатида баъзи мисолларни келтирсам. Маълумки, XX асрнинг эллитинчи йилларида

жавоб берадиган навларини яратиш бўйича амалга оширилган селекция, уруғчилик, агротехнология соҳасидаги илмий ва амалий ишлар батафсил ёритилган. Олимларимиз яратган ғўза янги навларининг афзалликлари баён этилган. Бу соҳада Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги

вазият бирмунча кескинлашди. Ушбу ақтуал умуминсоний муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар ҳам қатор мақолаларда ўз ифодасини топган. Миллий энциклопедиямизда мақолаларга монанд беақалар танланган ва улар ўз жойида берилган. Ҳар

Аҳоли соғлиғи — Назоратда



СУРАТДА: олий тоифали шифокор Ҳикматой Маъмирова.

Халқда "Касални даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул" деган ибора бор. Бу борада турли юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микробларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Туятортар", "Янгибеш" ва "Булунгур", каналлари доимий назорат қилиб борилмоқда. Чунки мазкур сув тармоқларида баҳор ойларида касаллик келтириб чиқарувчи микроблар борлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилган эди. Бундан ташқари, шифокорлар аҳоли ўртасида турли касалликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини кенг йўлга қўяётгани "қорин тифи", "дисентерия" ва бошқа касалликлар сонининг камайишига хизмат қилмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

ХАЛҚИМИЗ ТАФАККУРИНИНГ ХАЗИНАСИ

12 жилдди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» китобхонлар қўлига етиб борди

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида юртимиз маънавий ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди — 12 жилдди универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши. Бу ақтуал воқеа юз берди — 12 жилдди универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши. Бу ақтуал воқеа юз берди — 12 жилдди универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг нашр этилиши.

боплик уйғунлиги таъминланган. Шунингдек, атамалар танлашга алоҳида эътибор берилган. Миллий энциклопедия фақат илмимизнинг эмас, тилимизнинг ҳам ютуғидир. Мақолалар педагогик нуқтаи назардан ҳам юқори услубий талабларга мос ҳолда ёзилган ва мазмунига мос расмлар, схемалар, кўргазмали материаллар жойлаштирилган. Хуллас, миллий энциклопедиямизда барча табиий ва ижтимоий фанлар бўйича дарсликлар, қўланмалар ёзиб тайёрлашнинг концепцияси тақдир этилган. Ишончим комилки, бу бебаҳо манбадан юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича давлат дастурини амалга оширишни таъмин этувчи, замон талабларига жавоб берувчи дарсликлар, қўланмаларни яратишда самарали фойдаланилади.

собиқ иттифоқда айрим фан арбобларининг ғайриилмий ҳулосаси ва ўша даврдаги раҳбариятнинг шовша-шовшарлиги туфайли генетика реакцияси фан, деб бутунлай таққиланди, генетик олимлар қувғин қилинди. Бу Ўзбекистонда ҳам генетика, умуман биология фани ривожланишига зарар етказди. Янги энциклопедиямизда генетика фанининг мамлакатимизда қайта тикланишига қаттиқ эътибор берилди. Президентимиз имзо си билан 1992 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига Генетика институтини, унинг қошида "Генетик инженерия маркази" ташкил этилгани Ўзбекистон миллий университетидега "Генетика ва цитогенетика кафедраси, унинг қошида "Ўза генетикаси ва генотипология" лабораторияси ташкил этилгани ҳамда уларнинг самарали фаолияти тўғрисидаги тўлақонли мақолалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, генетик конуниятлар, Менделнинг ирсийланиш қонуни, ирсийланиш хромосома назарияси, молекуляр генетика, ген ва ҳужайра инженерияси, тиббиёт, селекция ва экологиянинг генетик асослари, эришланиш ютуқлари, маъжуд муаммолари, шунингдек, генетика фанининг асосчилари — Г. Мендель, Т. Морган, Ф. Крик, Ж. Уотсон,

институтини, ЎзФАНнинг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ва бошқа илмий-текшириш институтларида амалга оширилган тадқиқотларнинг мазмуни, натижаси, аҳамияти, муаммолари ва истиқболлари қатор мақолаларда ўз ифодасини топган. Кенг майдонга экилган ва экилаётган ғўза навлари ҳақида ва Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга қаттиқ хисса қўшган олимлар — Г.С.Зайцев, Ф.М.Мауер, С.С.Канаш, А.И.Автономов, С.М.Мираҳмедов, Л.В.Румшевич, С.С.Содиқов, О.Ж.Жалилов ва бошқалар ҳақида биографик мақолалар берилган.

бир жилдда 800 дан зиёд рангли, оқ-қора суратлар, схема ва хариталар ўрин олган. Айниқса, хариталар сўнги маълумотлар билан таъминланган ва охириги талаблар асосида тайёрланган. Шахсларга портретлар беришда мўайян мезонга амал қилинган. Бироқ баъзи ўринларда қабул қилинган мезонга риоя этилмаган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, нима учундир "Абдулла Қодирий" мақоласида ярим устун хажмида портрет берилган бўлса, "Ойбек" мақоласида қарий икки устун, "Фафур Фулом" мақоласида бир устун хажмида сурат берилган. Энциклопедиямизда Ўзбекистон фани ривожига ниҳоятда улкан хисса қўшган Ҳабиб Абдуллаев каби буюк олимларимиз ҳақидаги мақолаларда қатор ва кўпроқ суратлар берилишини истардик. Фанимиз ва маданиятимизнинг баъзи арбоблари тўғрисидаги айрим мақолаларда умуман сурат берилмади. Тўғри, мақолаларда илмийлик ва оммабоплик уйғунлиги таъминланган. Шу билан бирга, баъзи ўринларда, хусусан, кишлоқ ҳўжалиғига доир мақолаларда баъзи ўсимликларни ёритишда ортиқча тафсилотларга йўл қўйилганини ҳам таъкидлаш лозим.



«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Дайровот», «Зиёкор», «Шўртепа» маҳаллаларига электр токи етказиб берувчи «Олчин-1» трансформатори бундан анча йил муқаддам қурилган. Бугунги кунда аҳоли зичлиги туфайли унинг қуввати талабга жавоб бермай қолди.

«Имкон бор-у, ҳаракат бўқ» мақоласи, «Халқ сўзи», 2006 йил 28 июнь».

Ўқув марказлари — Замон талаби


(Давоми. Боши 1-бетда).

мутация тизимлари, маълумотлар узатиш тармоқлари ҳамда оптик узатиш тизимлари ускуналари, GSM ва CDMA стандартларидаги мобил алоқа мутахассислари малакасини ошириш ўқув-маркази очилди. 2006 йил бошида ТАТУда ҳиндистонлик ҳамкорлар иштирокида ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ўқув маркази ҳам ташкил этилди. Мавжуд ресурсларни тўлаш орқали ўқув жараёнини тақомиллаштириш мақсадида «Ўзбектелеком» АК Мухандис-техник марказига реконструкция натижасида бўшаб қолган ва тўлиқ таъмирланган Тошкентдаги 35-АТС биноси берилди. У тегишли ускуналар билан жиҳозланди, ўқиш учун зарур барча шaroит яратилди.

Тошкентда Мухандис-техник марказининг янги офиси тақдими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, тегишли вазирилари ва идоралар, телекоммуникация ускуналарини ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар, «Ўзбектелеком» АК вакиллари қатнашди. Янги бинода иккита маърузалар зали, янги тизимларни ўргатиш бўйича симфлар, симсиз улашиш терминал ускуналари ва Интернет технологиялар намуналари, замонавий рақамли телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларнинг ўқув лабораториялари, компьютер хонаси, видеоконференциялар ва масофавий ўқитиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган мажлис залли ҳамда бошқа бўлимлар жойлашган. Марказда янги ускуналарнинг ишлаб турган ҳолатдаги намуналари ўрнатилган бўлиб, бу уларни ишлатишда вужудда келадиган турли ностандарт вазиятлар ва бузилишларни моделлаштириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, ўқитиш сифати ва мутахассисларнинг реал шaroитларда ишлаш учун тайёрлаш даражасини оширади.

«Ўзбектелеком» АК мутахассисларининг айтишича, Мухандис-техник марказ томонидан 2007 йилда 33 йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил этиш режалаштирилмоқда. Улар, жумладан, хорижий технологиялар асосида замонавий телекоммуникация тармоқларини яратиш, улардан фойдаланиш масалаларини қамраб олади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети, «Ўзбектелеком» АК, хорижий компания ва фирмалар имкониятларини, сайёҳаракатларининг бирлаштирилиши Марказий Осиё минтақасида нафақат телекоммуникация компаниялари соҳасида, балки вазирилари ва идоралар, республика иқтисодиётининг турли тармоқлари алоқа мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича салмоқли ўқув базасини яратиш имконини беради. Тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири.



«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

«Дайровот», «Зиёкор», «Шўртепа» маҳаллаларига электр токи етказиб берувчи «Олчин-1» трансформатори бундан анча йил муқаддам қурилган. Бугунги кунда аҳоли зичлиги туфайли унинг қуввати талабга жавоб бермай қолди.

«Имкон бор-у, ҳаракат бўқ» мақоласи, «Халқ сўзи», 2006 йил 28 июнь».

Бир вилоятдан икки жавоб

Мазкур чиқиш юзасидан таҳририятимизга Қашқадарь вилояти ҳокимлиги котибяти мудири К.СИРОЖЕВ имзо си билан расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади: «Касби тумани «Дайровот», «Зиёкор» ва «Шўртепа» маҳаллаларидаги хонадонларда электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида қуввати 160 кВа бўлган 155-рақамли трансформатор қуввати 400 кВа трансформаторга алмаштирилди. Аҳоли хонадонларининг электр энергияси билан узлуксиз таъминланишини назорат қилиб бориш туман ҳокимлигига юклатилди».

Таҳририятимизга Шаҳрисабз туманидаги «Ипак йўли» маҳалласида истиқомат қилувчилар муҳожират килиб, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар хусусида шикоят хати йўллашганди. Мазкур хат юзасидан Қашқадарь вилояти ҳокимлигидан келган расмий жавобда таъкидлаш ичишича, «Шаҳрисабз туман аҳолисини электр энергияси билан таъминлашдаги камчиликлар учун Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Т.Ражабов эғаллаб турган лавозимидан четлаштирилган. Бугунги кунда тумандаги мазкур маҳаллада кўп қаватли уйларида ишчи аҳоли хонадонлари табиий газ ва электр энергияси билан таъминланган. Уларга истеъмол қилинган табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви тўловларини ўз вақтида амалга ошириб бориш бўйича яна бир бор тушунтириш берилган. Туман аҳолисини табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича назоратчи сувайтириб юборгани учун Шаҳрисабз туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Юлдошевга тегишли жазо чораси қўрилган.

Эндиликда маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва оқова суви қурувларини таъмирлаш бўйича ишлар боқичма-боқича амалга оширилмоқда. Ичимлик суви таъминотида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, аҳолига ичимлик суви график асосида етказиб берилмоқда».

Халқ сўзи Гўзаллик — илму маърифатда

Жўра МУСАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

ВУЖУДИМИЗДАГИ БОЙЛИК

уни ўз вақтида асраш мумкинми?

Хизмат юзасидан йирик тиббиёт муассасаси раҳбари хузурда бўлган чоғида кўпроқ қандай касалликлар учраётгани билан қизиқдим. Сўхбатдошим, кўп йиллик тажрибага эга, минглаб беморларнинг дардида муҳим бўлган аёл шундай жавоб берди:

— Биринчи навбатда кишиларнинг ўз соғлиқларига эътиборсизликлари ва бунинг оқибатида асоратлар ҳақида гапиргим келди.

Шундай дея у котиба қизни чақириб, қабулга келганлардан бирини киритинг, деди.

Зум ўтмай, хонага тўладан келган, 45 ёшлар чамасидаги аёл кириб келди. У менга бир қараб қўйди-ю, бироқ таннидаги дард зўриданми, тортиқини ҳам бир четга суриб, арзи ҳолини баён этди:

— Ёшим 31 да. Уч ўғил ва бир қизим бор. Шу пайтгача уч марта операция қилишди.

Лексин соғлигим барибир яхши эмас. Яқинда билим, менда грижа бор экан, ана миома... Бу ёқда эрим ногирон, отам ўлиб кетган. Ўзим эса шунча ярамайман. Операция қилдиришга пулим йўқ. Ердан беринг...

Қорнидаги ўсмаси белги бериб турган аёлнинг гапларини тинглаб эканман, унинг эндигина 31 ёшга қадан қўйганлигини эшитиб, қулқларимга ишонгим келмасди. Бокси, хасталик унинг йишини анчайин улугроқ кўрсатар эди.

— Мана, кўрдингизми, — деди она афсус билан. — Бу аёлдаги бунча хасталик бирдангина пайдо бўлган эмас. Аввало, у дастлаб турмуш кураётган чоғида сиктасаломатлиги яхшимиди ёки йўқми? Кейинчалик кетма-кет фарзанд кўриши, ўз соғлиғига эътиборсизлиги, доимий жисмоний зўриқишлари оқибатида қатор касалликлар келиб чиққанлиги сезилиб турибди. Ахир ривожланган мамлакатларда одамлар бирор касалликка чалинганда эмас, балки унинг олдини олиш учун шифохонага мурожаат қилдилар. Қанибди, бизда ҳам шундай бўлса...

Шу сўхбат баҳона қўллаб беморларни, аниқроғи, бемор аёлларни кўздан кечириб кўрдим. Ёши қирққа ҳам етмаган, аллақачон «ногиронлик» номини еяётганларнинг қай бирлари қамқон, яна бошқалари бўҳок билан хасталанган. Айтиш керакки, турли касалликка мубтало бўлган аёлларнинг нафақат таққи кўринишларида, балки уларнинг руҳиятларида ҳам кескин ўзгаришлар кўзга ташланар экан. Аввало, бемор аёл, биринчи гапта, ўз оиласидаги тарбиячилик ўрнини йўқотди. Натихада, рўзгор юмушлари аро йўлда қолиб кетади. Бир-биридан қиммат дори-дармонларга сарфланган маблағнинг оила иқтисодиётига таъсири сезилади, албатта. Маблағ, боринги, топилар, аммо кечикиб қилинган му-

лар. Йиллар ўтган эса, тиш оғриғидан азобланиётган ўғил ёки қизини дўхтирга олиб борганида яна жараҳатми, дея аксарият аёлларимиз норози бўладилар.

— Ўзингиз соғла-соғ бўлсангиз-да, йилда бир марта шифокор назоратидан ўтиб турасизми?

— Йўқ, ҳеч вақтим бўлмапти, — дейди кўпчилик саволимга жавобан. — Ахир ишлашга бекорчи эмасмиз, қолаверса, шифокорларга учрасангиз, йўқ деганда, бир дунё касалликлар топиб, ваҳима қилишадими. Шунинг учун дўхтирга бормайман.

— Ойлада, махаллада, кўча-кўйда локзаллик бўлмас экан, касал бўлаверамиз, — дейди андижонлик Музаззамхон Ҳамидова.

— Базан бозорларни айланиб, кўнглим бекузур бўлади. Нега дейсизми?

Оддий бир мисол, ноилар шундоққина йўл четларида сотилади. Сотувчилар кўлдан-кўлга ўтган пулларни санаган ҳолда «Кей қолинг, об қолинг», дейишади. Бозор расталаридаги тайёр махсулотлар билан савдо қилувчилар, айниқса, қасобларнинг иш шартлоари ҳам орасталикка жавоб бермайди.

Куюниб айтилган бу сўзларга қўшимча қилишнинг ҳожди йўқ. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Ойлада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тугилиши ва уни тарбиялашнинг устуви йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 242-сонли қарорини ёдга олайлик. Бугина эмас, яна қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар ҳам инсон саломатлигини муҳофазалаш ва тиклашга қаратилган. Юртобимиз таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Форуза МИРЗОЛИМОВА.



Спорт

Осиё ўйинлари сари яна бир қадам



Яқинда Қатар пойтахти Дохада яқунланган XV Осиё ўйинлари доирасида кураш бўйича норасмий мусобақалар ҳам бўлиб ўтди. Ажаб эмас, навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига кураш шикибозлари қўшилди.

Эронлик Али Маломат ва ўзбекистонлик Давлат Чоревлар ўз вази тоифаларида голиблики кўлга киритдилар. Шунингдек, Мўғулистон ва Ҳиндистон

90 кг. вази тоифасида гиламга чиқдилар. Мусобақаларни Халқаро Олимпия қўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши вакиллари ҳамда юзлаб кураш шикибозлари қўздилар.

Дохада ўтган кураш мусобақаларининг голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этган Мўғулистон парламенти аъзоси Сухбаатар Цин дунёга янги спорт турини олиб чиқиш ва халқлар ўртасида дўстликни муста-

мамлакатлари полвонлари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Дохада ўтган кураш мусобақаларининг голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этган Мўғулистон парламенти аъзоси Сухбаатар Цин дунёга янги спорт турини олиб чиқиш ва халқлар ўртасида дўстликни муста-

камлашга қўшган ҳиссаси учун КХА президенти Комил Юсуповга Мўғулистон Президенти томонидан таъсис этилган «Мўғулистон олтин ордени»ни топширди.

Осиё ўйинлари жараёнида КХА раҳбарияти Осиё Олимпия кенгаши аъзолари билан курашни қўйишда янада ривожлантириш бўйича музокаралар олиб борди.



Каннаваро тақдирланди

Душанба куни Цюрих шаҳрида ФИФА версияси бўйича йил футболчиси, деб тан олинган Италия терма жамоаси сардори Фабио Каннаваро тақдирлаш маросими бўлди.

«France Presse» агентлиги хабарига айтилишича, 33 ёшли футболчи «Бриллиант тўп» учун ўтказилган сўрономада франциялик Зайнидин Зидан ва бразилиялик Роналдиньо сингари номдор «чарм тўп» усталарини орта қолдирган. Эслатиб ўтамиз, Каннаварога ноябрь ойида Европанинг энг яхши футболчиси сифатида «Олтин тўп» берилган эди.

Совриндор эркаки, аёл?

Ҳиндистонлик енгил атлетикачи Санти Сундараджан XV Осиё ўйинларида кўлга киритган бронза медалдан маҳрум бўлиши мумкин.

Мусобақа ташкилотчилари бу ҳақда Ҳиндистон Олимпия қўмитаси раҳбарларини оғохлантиришган.

Эсингизда бўлса, Сундараджан 9 декабрь куни 800 метр масофага бўлган югуриш мусобақасида 2 дақиқаю 3,16 сония натижа кўрсатиб, кумуш медали билан тақдирланган эди. Мусобақадан сўнг спортчи, одатдагидек, допинг-тест синовидан ўтказилди, унинг натижалари эса ташкилотчиларда шубҳа уйғотди, деб хабар беради «Reuters».

Осиё Олимпия кенгаши тиббиёт бўлими раҳбарининг таъкидлашича, шундан сўнг Сундараджан «хоним»нинг жинсини текшириб кўришга тўғри келган. Бунда эса муаммо пайдо бўлди...



Теннисчининг табассуми

Россиялик машҳур теннисчи Мария Шарапова Американинг Косметик стоматология академияси (AACD) ўтказган сўрономада «Энг жолибдор қўлги соҳиб» деб топилди.

Сўрономада қатнашган иштирокчиларнинг 42 фоизига Мария Шарапованинг ёқимтой табассуми маъқул бўлган. Эркақлар ўртасида эса америкалик гольфчи Тайгер Вудс шундай номга муносиб топилган.

Таъкидлаш лозимки, жорий йил россиялик теннисчига жуда омадли келди. У бешта нуфузли турнирда голиб чиқди, АҚШ очик чемпионатида шохсўпага кўтарилиди ва йилни дунёнинг иккинчи ракетчаси сифатида яқунлапти.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

ички аудит хизматининг қўйидаги лавозимларига қабул эълон қилади:

- хизмат раҳбари — 1 киши;
- хизмат аудиторлари — 2 киши.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- олий маълумот ҳақидаги диплом;
- малака сертификати;
- сўнги ўн йилнинг камида охириги икки йили давомида бухгалтерия ҳисоботи, аудит, молия ва солиқ назорати соҳасида тажрибага эга бўлишлари керак.

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар (резюме)ни қўйидаги манзилга юборишлари мумкин:

700015, Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 7-уй.
Тел.: 136-49-48, 136-44-45.
E-mail: uzjeldpass@mail.ru

Хабарингиз Борми?



ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

- Эркин Аъзамов нега ўз фамилиясидан воз кечди?
- Ёмон ҳулқни шифохонада даволаш мумкинми?
- Шарқ кўпроқ интеллектуал кучга таянади. Бошқалар-чи?
- Қолипга солинган адабиёт ёки ўтмишга назар.
- Йўлдан топилган... сабоқ.
- «Тонг нафаси»дан баҳра олган «Умрим дарёси».
- Устоз Асқад Мухторнинг «Уйку қочганда...» тундалиги «Тафаккур» кундалигида.
- Султонмурод Олим Бобур ва сўфийлар ҳақида нима дейди?
- Интернетми ёки китоб?

«Тафаккур» журнаlining янги сонини варақласангиз юқоридаги сўзларнинг маъини чақиб, яна қўллаб саволларга жавоб топасиз.

2007 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичи — 869/870.

UZINFOCOM Markazi kirib kelayotgan yangi 2007 yil sharafiga yangi yil aksiyalarini boshlaganligini e'lon qiladi!

1-tanlov:
ENG YAXSHI MAKTAB VEB-SAYTI

Tanlovda qatnashish uchun O'zbekiston Respublikasi umumta'lim maktablarining veb-saytlari qo'yiladi.

Tanlov g'oliblarini quyidagi sovrinlar kutadi:
1-o'rin uchun Kompyuter;
2-o'rin uchun Raqamli fotoapparat;
3-o'rin uchun Planshet skaner.

Batafsil ma'lumotlarni www.ziyonet.uz yoki www.uzinfocom.uz veb-sahifalaridan olishingiz mumkin.

2-tanlov:
FORUMNING ENG FAOL ISHTIROKCHISI

UZINFOCOM Markazi forumining eng faol uch ishtirokchisi quyidagi sovrinlarga ega bo'lishi mumkin:

1-o'rin uchun Olti oy bepul Internetdan foydalanish;
2-o'rin uchun Bepul domen nomi;
3-o'rin uchun UZINFOCOM Markazi maykasi.

Batafsil ma'lumotlarni forum.uzinfocom.uz yoki www.uzinfocom.uz veb-sahifalaridan olishingiz mumkin.

3-tanlov:
WWW.UZ MILLIY AXBOROT-IZLASH TIZIMI VEB-SAYTI UCHUN ENG YAXSHI LOGOTIP

Tanlov g'olibini quyidagi sovrin kutmoqda:
Planshet skaner

Batafsil ma'lumotlarni www.uz yoki www.uzinfocom.uz veb-sahifalaridan olishingiz mumkin.

Yangin yil oldi viktorina

Haftaning ish kunlari UZINFOCOM Markazi forumida UZ-CERT mutaxassislari axborot xavfsizligi bo'yicha 1 tadan savol joylashtirishadi. Kim 9 ta savolning hammasiga to'g'ri javob bersa va oxirgi 10 ta savolga birinchi bo'lib to'g'ri javob yuborsa, CD-Player sovrini qo'lga kiritadi.

Batafsil ma'lumotlarni www.cert.uz, forum.uzinfocom.uz yoki www.uzinfocom.uz veb-sahifalaridan olishingiz mumkin.

Aksiya
«Elektron pochtoni spandan himoyalash bo'yicha eng yaxshi g'oya»

Tanlov g'olibini quyidagi sovrin kutmoqda:
DVD-Player

Batafsil ma'lumotlarni www.cert.uz, forum.uzinfocom.uz yoki www.uzinfocom.uz veb-sahifalaridan olishingiz mumkin.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Топлев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материалы

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Ичкилик — умрининг заводи

Шахрихон туманлик 35 ёшли Б.нинг жароҳатсиз жасади ўзи яшаган Дўрмон қишлоғидаги йўл четидан топилди. Текширишдан натижада бу воқеада жиноят аломатлари йўқлиги, марҳумнинг ўлими унинг ўта маст ҳолда ўхлаб қолиб, танасининг совиб кетиши туфайли руй бергани аниқланди.

Бола ўғриси қўланди

Ўзбекистоннинг ички ишлар бўлимига келиб, 1-синфда ўқийдиган ўғли мактабдан қайтмаганини, шу кунги номаълум шахс унинг қўл телефонида кўнғирок қилиб, фарзандини қайтариш эвазига 25.000 АҚШ доллари талаб қилганини билдирди.

Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижада номаълум жиноятчилар — ҳеч қандай ишламайдиган, Қарши шаҳрида яшовчи Ш. Саидали ва ғузорлик С. Азамат ўзлари сураган пулни олаётганларида қўлга тушдилар.

Бола оиласига соғ-саломат қайтарилди.

Жазо муқаррар

Бундан бир неча ҳафта бурун қизилтепаллик М.Бозорованинг ҳовлисидаги 11 бош қўн номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганди. Милиция ходимларининг изланишлари ўз самарасини берди. Ўғриланиш 26 ёшли Ш. Топулбай ва эндигина 19 ёшга тўлган А. Лазиз содир этгани маълум бўлди. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Тўй азага айланди

Берунийлик Қ.Авезовнинг уйда бўлаётган тўйда бошқалар қатори муқаддам судланган Хамро Ешимбетов ҳам қатнашган эди. У ака-ўка меҳмонлар — Баҳодир ва Озод Бекқоновлар билан бирга ичкиликбозлик қилди. Кайфи ошган, улфатлари билан «санман»га борди. Охири қуюшқондан чиқиб, ака-укаларга пичоқ билан ташланди-да, иккисига ҳам оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда Баҳодир ҳаётдан кўз юмди. Ваҳший ошдан Хамро қўлга олинди.

Сўнги пушаймон

Ангрелик Е.Намнинг уйига қалит танлаш йўли билан кирган шахс унинг 1135000 сўмлик уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетганди. Қидирув ишлари нихосида бу жиноятга 41 ёшли С. Роман қўл ургани юзага қилиб чиқди. Энди у айбига иқроб бўлиб, пушаймон чекиб ўтирибди.

Исроил МИНОВАРОВ, ИИВ матбуот маркази ходими, майор.